

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1142-ҳадис

1142 – وَعَنْهُ قَالَ: كُنَّا بِالْمَدِينَةِ فَإِذَا أَذَّنَ الْمُؤَذِّنُ لِصَلَاةِ الْمَغْرِبِ، ابْتَدَرُوا السَّوَارِيَّ، فَكَعُّوا كُعُوتَيْنِ،
حَتَّى إِنَّ الرَّجُلَ الْغَرِيبَ لَيَدْخُلُ الْمَسْجِدَ فَيَحْسَبُ أَنَّ الصَّلَاةَ قَدْ صُلِّيَتْ مِنْ كَثَرَةِ مَنْ يُصَلِّيهِمَا. رَوَاهُ
مُسْلِمٌ.

1142. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Бизлар Мадинада эканимизда муаззин шом намозига азон айтса, устун томон намоз ўқишга шошар ва у ерда икки ракат намоз ўқир эдилар. Агар мусофир киши масжидга кирадиган бўлса, бу икки ракатни ўқувчилар кўплигидан шом намозининг фарзи ўқиб бўлинибди, деб гумон қилар эди».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Бизнинг Ҳанафий мазҳабида шомнинг фарзидан олдин икки ракат ўқилмайди. Балки фарзидан кейин икки ракат суннат ўқилади. Ҳанафий мазҳабадигилар ҳам бу сўзларига саҳиҳ ҳадислардан далил келтиришган.

Ҳадисларда очиқланишига кўра шом намозининг фарзидан аввал икки ракат суннати ҳам бор. Пайғамбаримиз уч марта: «Шом намозининг фарзидан олдин (икки ракат суннат) намоз ўқинглар, деб ортидан хоҳлагувчилар ўқисин», деб қўшиб қўйдилар.

Юқоридаги ҳадисда очиқланишига кўра, саҳобалар шом намозининг илк суннатини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга киргунларига қадар ўқиб олардилар. Бир киши Анас розияллоҳу анҳудан сўради: «Шом намозининг суннатини саҳобалар ўқишганини биламиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўқирдиларми? Бунга жавоб тарзида Анас (р.а.): «Бизларни ўқиганимизни кўрардилар, лекин ўқинг ёки ўқиманг демас эдилар» деб айтдилар.

Шом намозининг фарзидан олдинги суннатини ўқилиши ёки ўқилмаслигида

Ислом олимларида ихтилоф бордир. Бу суннатни қилиниши лозим деганлар юқоридаги ҳадисларга таянмоқда. Шом намозидан олдин суннат намоз ўқилмайди, деганлари эса, шу ҳадисга таянмоқда. Саҳобалардан бири Бурайда ибни Хусайб ал-Асламийнинг ривоятига кўра: «Ҳар бир азон ва иқомат орасида намоз бордир, шом намозидан ташқари», дедилар. (Дарақутний ва Байхақий ривояти).

Шом намозининг фарзидан олдин суннат ўқишни тўғри эмас, деган олимлар имом Молик ва имом Шофеъийдир. Имоми Абу Ҳанифа эса, шом намозининг фарзидан олдин суннат намози ўқишни макруҳ деганлар. Шом намози фарзидан кейинги суннатига келсак «Мусулмон киши ҳар куни фарз намозларидан ташқари 12 ракат суннат намози ўқиса, Аллоҳ унга жаннатдан бир жой ҳозирлатиб қўяди» дейилмоқда. Бу ҳадисдан кейин Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилган бир ҳадисда, фарз намозидан кейин икки ракат суннат намози ўқиганлари баён қилинган.

Манба: hadis.islom.uz

